

**«Тасдиклайман»  
Якка тартибдаги тадбиркор**

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

«\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ йил

**Намуна**

**«Кондитер махсулотлари ишлаб чикариш»  
лойихасининг**

# **БИЗНЕС РЕЖАСИ**

**Карши шахри 2003 йил**

## **1. КИРИШ КИСМИ**

Якка тартибдаги тадбиркор \_\_\_\_\_ нинг бизнес-режаси, кондитер махсулотлари ишлаб чикаришни амалга ошириш учун, тижорат банкларининг ресурслари хисобидан кичик ва урта бизнес субъектларини кредитлаш механизми, оркали молиялаштириш натижасида, халкимизни тоза ва сифатли печенъелар билан таъминлаш хамда ахолини ушбу махсулотларга булган эҳтиёжини янада кондириш ва ишлаб чикаришни ташкиллаштиришни асослаш максадида тақдим этилмокда.

Лойиха ташаббускори томонидан, Карши шахрида кондитер махсулотлари бозорида талаб ва таклифни таҳлил килиш натижасида, ушбу лойиханиамалга ошириш тугрисида карор кабул килинди. Шахарда ушбу махсулотлар бозорида вужудга келган шароит, яъни кондитер махсулотларини тайёрлаб сотишда юкори сифатли махсулотга талабнинг катталиги, бундай карорни кабул килишга асос булди.

Лойихани амалга ошириш учун, кредит хисобидан сотиб олинадиган ускуналар, лойиха ташаббускори шахсий мулки булган бино хизмат курсатиш майдонига жойлаштириш қузда тутилмокда.

## **2. ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАКСАДИ ВА ЙУНАЛИШЛАРИ.**

«\_\_\_\_\_» хусусий савдо ишлаб чикариш фирмаси уна ва ун махсулотларини кайта ишлаб чикаришни амалга оширишдан максади халкимизни тоза ва сифатли печенельяр билан таъминлаш ва ахолини ушбу махсулотларга эхтиёжларини янада кондиришдан иборат.

Лойиханинг умумий киймати 2400000 (икки милион турт юз минг) сум, шундан (турт юз минг) сумни хужалик хисобидан ажратилиб, кредитни кайтарилиши 2 йилга хар йили уртacha 12 фоизга режалаштирилмоқда. Хусусий савдо ишлаб чикариш фирмасининг асосий максади ун ва ун махсулотларини кайта ишлаб чикариш учун 1 кг печене ишлаб чикариш учун асбоб ускуна сотиб олиб, печене махсулотларини кайта ишлаб чикаришни мулжалланмоқда.. Ушбу махсулотлар бозорида вужудга келган шароити хамда ракобатчиларга караганда, яъни арzon нарҳдаги, юкори сифатли печене махсулотларига талабнинг катталиги, бундай карорни кабул килишга асос булди.

Ушбу лойихани амалга ошириш, вилоятимизнинг ички истеъмол бозорини, юкори сифатли, нархи арzon, махаллий етиштиришнинг махсулотлари билан тулдириш, лойихани ижобий амалга оширилиши натижасида олинадиган фойдани эса, ишлаб чикаришни кенгайтиришга йуналтиришга ички имконият яратиб беради.

## **3. ЛОЙИХАНИНГ МАКСАДИ.**

Ушбу лойихани амалга оширишдан максад, кредит хисобидан сотиб олинадиган печене ишлаб чикариш дастгохи сотиб олиб, ун ва ун махсулотларини кайта ишлаб чикаришни ташкиллаштиришни асослашдир. Кайта ишлаб чикарилган печене махсулотларини асосан, ахолини таъминлаш режалаштирилмоқда.

Лойиха ташаббускорининг, лойихани амалга оширишдан максад куйидаги сабабларга кура:

- махсулот таннархининг юкори эмаслигига нисбатан капитал харажатларнинг тезда узини коплай олишилиги,
- хом- ашени етказиб берувчилар ва тайер махсулотларни сотувчи каналларнинг ташкиллаштирилганлиги ва етарли даражада тажрибага эга эканлигидан, лойиханинг максадга мувофикалигини курсатади.

Хом-ашени етказиб берувчилар ва етиштириладиган тайер махсулотларнинг потенциал харидорлари билан лойиха ташаббускорининг уртасида, ушбу лойиха буйича олиб борилган музокаралар, уларнинг лойиха буйича хамкорлик килишга жуда катта кизикиши ва истаги борлигини курсатди. Худудий куляй жойлашганлиги, хамда етиштириладиган тайер махсулотлар харид бозорининг кенглиги сабабли, лойихани амалга ошириш учун жуда яхши имконият яратилади.

## **4. БОЗОР ВА МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ.**

Кашкадаре вилояти худуди, ун ва ун махсулотлари ишлаб чикаришга мослашган. Кайта ишлаб чикарилган печенье махсулотларига булган талаб ва эҳтиёжнинг асосий кисмини вилоятимизнинг хамма шаҳар худудларида ун ва ун махсулотлари билан шугулланаётган ахолилар ташкил этади. Юкорида кайд килинган ун ва ун махсулотларини кайта ишлаб чикарилган махсулотларининг таннархи арzonлигига ва бошка ракобатчилар сабабдир.

Шунинг учун вилоятимизда ички ва ташки истеъмол бозорларининг талабига, сифати жихатидан тулик жавоб берадиган ун ва ун махсулотларини кайта ишлаб чикаришни купайтиришни ташкил этиш максадга мувофик булади.

Хусусий савдо ишлаб чикариш фирмасининг ракобатга кучлилиги томони, биринчи навбатда бозордаги талабнинг узгаришига тезда мослашиш хусусиятининг умумийлиги билан белгиланади. Юкорида кайд этилган хусусиятга кура, амалга ошириладиган лойиханинг, биринчи навбатда, тушаётган талабга караб, кайта ишлаб чикарилаётган ун ва ун махсулотлар ассортименти ва номенклатурасини киска муддат ичидаги узгартириш, мослаштириш, махсулотларни ишлаб чикаришда, ички харажатларининг пастлиги, ракобатга бардош бериш имкониятига эга булишини кафолатлайди.

## **5. СОТИШ ПРОГРАММАСИ**

Кайта ишлаб чикарилган печенье махсулотларни вилоятимизда ва бошка вилоятлар худудида жойлашган истеъмолчилар билан тугридан-тугри тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Сотиш программаси стратегияси, кайта ишлаб чикарилган махсулотларнинг сифати, турига булган талабни хамма вакт урганиш, бозор шароитини узгаришига тезда мослашиш, хамда, юкорида кайд этилган фикрлардан келиб чиккан холда, тайер махсулотга нархнинг тез мослашувчи тактикаси белгиланади.

## **6. ЛОЙИХА НАРХИ.**

Лойиханинг умумий нархи 2400000 сумни ташкил этади. Шундан асосий капиталнинг киймати 2172000 сумни ташкил этади.

Лойихани амалга ошириш учун, лойиха ташаббускори томонидан, банкдан, 1772000 сум микдорида карз маблаглари хисобидан 1 та печенье ишлаб чикарадиган дастгохи сотиб олиш режалаштирилган.

Шундан:

- 1772000 сум – асосий капиталга
- 228000 сум – айланма капиталга

2.1 таблицада, лойиха нархи аник курсатилган.

### **Лойиханинг умумий нархи**

Жадвал 6.1.

№		Уз хисобидан (сум)	Банк кредити (сум)	Умумий микдори (сум)
1.	Жой учун	400000	0	400000
2.	Асбоб ускуналар учун	0	1 772 000	1 772 000
3.	Хом ашё	0	228000	228000
ЖАМИ:		400000	2000000	2400000

Кредитнинг таъминоти сифатида хусусий савдо ишлаб чикариш фирмаси 21 000 000 сумга нархланган уз иншоотини тақдим этилади.

### **Лойихада хисоб-китоблар учун кабул килинган кредит шартлари**

1. Кредит микдори –2000000 сум
2. Кайтариш муддати – 2 йил.
3. Имтиез даври – 0 ой
4. Йиллик фоиз ставкаси – 12 %
5. Кредитни епиш – 2- йилда ярим йиллик баъдаллар билан кайтариш.
6. Кредитнинг-100% пул утказиш йули билан олиниб, ушбу кисми икки йил ичига пул утказиш йули билан кайтарилиши шарт .

## **7. ИШЛАБ ЧИКАРИШ ПРОГРАММАСИ**

### **Ишлаб чикариш режаси.**

Ишлаб чикариш режаси ва ишлаб чикариладиган маҳсулотлар номенклатураси, кредит хисобидан сотиб олинадиган маҳсулот харажатларидан келиб чиккан холда тузилди.

Бизнинг максадимизга кура 1 та печенье ишлаб чикарадигандан бир кунда 400 кг печенье ишлаб чикаради. Бунинг учун лойиха ташаббускори шартнома тузган.(Шартнома куйидагича тузилган) Бунинг учун, хар бири 0,5 грамини ташкил килса, Унда бир пачка печеньени таннархи 50 сумндан тушади. Бир дона музкаймок учун кетадиган хом ашё маҳсулотлари.

1. Сут

2. Шакар.

3. когоз

Бир сменада кетадиган хом ашёни жадвалда куриб чикамиз.

Жадвал 7.1.

№	Музкаймо к микдори	Гр.хисобида	Сони	Нархи 1 кг	Шартли улчов бирлиги
1	Сут	литр	100	100	1000
2	Шакар	кг	10	550	5500
3	Когоз	м	7,5	400	3000
4	ЖАМИ:	X	12,5	X	9500

Хар бир пачкага 125 грдан печенье кадокланади.

Демак, 100 та пачка печенье кадокланади.

Демак, 1 пачка печенье, 125 гр печеньега кетадиган хом ашё ва материаллар 95 сумга тенг.

### **Амортизация ажратмаси**

Фирма балансида хисобидан курсатиган амортизация курсатгич 10% булиб, йилига ташкил килади.

Демак, фирманинг асосий воситаси 1343000 сум ташкил килса, унда хар 1 пачка печеньега амортизация курсатгичи 2,86 сумдан тугри келади.

Электро-энергия харажатлари.

Бир кунда икки сменада дастгоҳ 38 кВт энергия сарф булса, Корхона бир кВт электроэнергия учун 17 сум микдорида хак тулайди. Демак хар бир музкай мок учун 1,61 сумдан тугри келади.

### **Бир ойда кетадиган харажатлари тулик курсатилган.**

Жадвал 7.2

№	Харажатлар номи	Сони	Нархи	Суммаси
2	Махсулотлар	2400	95	228000
3	ЖАМИ:			228000

Умумий харажатлар йилига 2 736 000 сумни ташкил этади. Бошка харажатлар умумий харажатлар суммасининг 5% тенг деб олсак ,унда 1 циклнинг бошка харажатлар мидори 136800 сумни ташкил этади.  
Хар 1 дона музкаймокга бошка харажатлар 2,58 сумга тенг булади.

### **Ташкилий режа**

Ушбу лойихани амалга оширишдан, 3 та янги иш урни ташкиллаштирилади. Корхонанинг маъмурияти саклаш, хужаликнинг бошка фаолият туридан олинадиган даромадлар хисобига копланади

### **Иш хаки фонди хисоби**

Жадвал 7.3

№	Штатлар руйхати	Ишчилар сони	Ишчилар оклади мик	Бир ойлик маоши	Йиллик маоши
1	Цех бошлиги	1	15000	15000	180000
2	Мутахасислар	2	8000	8000	192000
	<b>ЖАМИ:</b>			23000	372000
	40% Устамаси б/н			9200	148800
	<b>ЖАМИ суммаси</b>			<b>32000</b>	<b>520800</b>

Хар 1пачка печеньега ишчи кучига килинадиган харажат 3,50 сумга тенг булади.

«\_\_\_\_\_» хусусий ишлаб чикириш корхонасида  
етиштириладиган 1 дона музкамокнинг калькуляцияси

Жадвал 7.4

№	Курсаткич номи	Суммаси
1.	Хом-ашё	95
2.	Амортизация	2,86
3.	Электроэнергия	1,61
4.	Иш хаки	3,50
5.	Бошка харажатлар	2,58
6.	Жами харажатлар	105,55
7	Фойда 50%	52,78
8	Сотилиш нархи	158,33=160 сум

**Солик туловлари ва чегирмалар.**

«\_\_\_\_\_» хусусий свадо ишлаб чикариш фирмаси ягона солик тулайди.  
Ягона солик ставкаси, олингандаромаддан 25%ни ташкил этади.

## 8. МОЛИЯВИЙ РЕЖА

Агар биринчи циклда 100 пачка печенье ишлаб чикарса , бир ойда 2400 пачка печенье ишлаб чикаради.

### **Бир ойда ишлаб чикаиладиган печенье учун**

Жадвал 8.1

№	Сотиладиган махсулотлар номи	Сони	Нархи	Суммаси
1	Печенье	2400	160	384000
	<b>ЖАМИ</b>			<b>384000</b>

Йилига умумий даромад 4608000 сумни ташкил килди.

### **Банк кредитини фоизи билан кайтариш схемаси.**

Жадвал 8.2

№	Кайтариш даври	Кредит суммаси	Кредит фоизи 12%	Кредитни кайтариш суммаси	Умумий Тулов суммаси
1	0 йил	2000000	--	--	--
3	1 йил	2000000	240000	1000000	1240000
4	2 йил	1000000	120000	1000000	1120000
	<b>ЖАМИ</b>	<b>X</b>	<b>360000</b>	<b>2000000</b>	<b>2360000</b>

### **Молиявий режа схемаси**

Жадвал 8.3

№	Курсаткичлар номи	1 йилликда (сум)	2 йилликда (сум)	Жами
1	Пул тушуми	4608000	4608000	<b>9216000</b>
2	Харажатлар	2736000	2736000	<b>5472000</b>
3	Даромад	1872000	1872000	<b>3744000</b>

4	Ягона солик 25%	468000	468000	<b>936000</b>
5	Кредитнинг фоизи	240000	120000	<b>360000</b>
6	Кайтариладиган кредит суммаси	1000000	1000000	<b>2000000</b>
8	Соф фойда	<b>164000</b>	<b>284000</b>	<b>448000</b>

2 йил даврда корхона **448000** сум соф фойда билан чикади.

## 9. ХУЛОСА.

Ушбу лойихани тақдим этишдан олдин, лойиха ташаббускори томонидан, вилоятимиз, республикамиздаги ун ва ун маҳсулотларини кайта ишлаб чикариш бозорлари ахволи урганилди ва лойихани амалга оширишда таъсир курсатадиган хамма факторларни эътиборга олиб, чукур тахлил этилди.

Келтирилган молиявий курсаткичлар натижалари, хамда ун ва ун маҳсулотларини бозорларидаги нархларнинг урганилиб, ички бозордаги шароитни ва мумкин булган хатарлар ва бошқа факторларни эътиборга олиб килинган тахлил натижасида лойихани амалга оширишда, лойиха ташаббускори томонидан курсатилган барча тадбирларнинг самаралилиги ва хастийлиги тугрисида хуносага килинади.

Ушбу лойихани амалга оширилиши, лойиха ташаббускори фикрини хаетга татбик этишга, хамда Республикаизда олиб борилаетган иктисадий ислохатларга уз улушини кушишга имкон яратилади.

«\_\_\_\_\_» хусусий савдо  
ишлаб чикариш корхонаси  
бошлиги:

